

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.АКБАРОВ	
Ҳайнрих Ҳайненинг “Қарағай” шеъри ва унинг таржималари ҳақида	83
ТИЛШУНОСЛИК	
А.МАМАЖОНОВ, А.САМИНОВ	
Оксюморон – нутқда ғайриодатий бирикмалар ҳосил қилиш усулларида бири	88
М.РАСУЛОВА, И.ҚУЧҚАРОВ	
Инглиз ва ўзбек тиллари паремия ва фразеологик бирликларининг концептуал гендер таҳлили	91
Ҳ.ЗАКИРОВА	
Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари талқини	94
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	
Б.УМУРЗАҚОВА	
Хорижий тилларни ўқитишда ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари	97
А.АБДУЛЛАЕВ, Н.АБДУЛЛАЖОНОВ	
Мамлакатимиз оммавий жисмоний маданияти ва оммавий спортнинг назарий асослари	100
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
М.НАЗАРОВ	
Балиқларни тўйимли тирик озуқа билан боқиш сифатли балиқ етиштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида	103
Ш.ЖУМАНИЯЗОВ	
Ўзбекистон тасвирий санъатида маҳобатли рангасвир асарларнинг тарихий ва замонавий интеграцияси	105
А.АБДУХАЛИМОВ	
Мустақиллик йилларида Фарғона водийси қишлоқларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалалари	109
И.М.АРЗИМАТОВА, М.ИСМОИЛОВА	
Шахс тарбиясида эстетик қадриятларнинг ўрни	112
А.ҚАМБАРОВ, М.НАЖМЕТДИНОВА	
Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда мусиқий маданиятнинг роли	114
С.СОДИҚОВ	
Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш фуқаролик жамияти қуриш гарови	116
А.САБИРДИНОВ	
Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романига чизгилар	119
Д.ХУСЕНОВА	
Лев Толстой ҳикояларида шарқона мотивлар	121
В.ГИЁСОВА	
Эртанинг халқ оғзаки ижодиётида фольклор матнининг кўринишларидан бири сифатида	124
М.ШОКИРОВА	
“Спорт” семали бирликлар хусусида	127
А.АСИМОВ	
Ўқувчиларни масала тузишга ўргатишда инновацион ғоялардан фойдаланиш	129
Д.ҚАМБАРОВА	
Янги авлод ўқувчиларининг интеллектуал ва ижодий ривожланишининг давлат таълим сиёсати	133
Д.ЮЛДАШЕВА, Н.НАБИЕВА	
Болалар фольклорида “Бўри” зооморф метафорасининг антропоцентрик таҳлили	135
М.ДИЛБАРЖОНОВА	
Тахаллус ва лақабларнинг қўлланилиши хусусида	138
И.ЮЛДАШЕВ, И.ПУЛАТОВ, Г.ЙЎЛДАШЕВА	
Тасвирий санъат машғулоти орқали тушунча, тасаввурлар ҳосил қилишда кўргазмалилик принципнинг назарияси ва методикаси	140
Х.ШОДМОНОВ Ш.АКРАМОВ	
Қанд лавлагининг биологияси, етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий самарадорлиги	142
М.РАХИМОВ, Х.АБДУРАСУЛОВ	
Четдан келтирилган қорамол бузоқларини бўрдоқига боқишнинг жадал усули	145
БИБЛИОГРАФИЯ	
Библиография	147

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ПАРЕМИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ГЕНДЕР ТАҲЛИЛИ

М.Расулова, И.Қўчқаров

Аннотация

Мақола инглиз ва ўзбек тиллари мисолида паремия ва фразеологик бирликларнинг концептуал гендер тадқиқига бағишланган. Объект сифатида эркак ва аёлларнинг ижтимоий хусусиятлари, яъни ижтимоий фаолияти ҳамда ижтимоий мақоми каби маъноларнинг таҳлили натижаси жалб этилган.

Аннотация

Статья посвящена контрастивному исследованию гендерных особенностей, проявляющихся при концептуальном анализе фразеологических и паремиологических единиц английского и узбекского языков. В качестве объекта исследования привлечены социальные особенности мужчин и женщин, а именно их социальная деятельность и социальный статус.

Annotation

The article is dedicated to the contrastive investigation of gender peculiarities of phraseological and paremiological units of the English and Uzbek languages. The investigation is based on the conceptual analysis of social features of men and women, mainly their social activity and social status.

Таянч сўз ва иборалар: гендер, гендер кўрсаткич, концептуал таҳлил, грамматик род категорияси, фразеологик ва паремиологик бирликлар.

Ключевые слова и выражения: гендер, гендерный маркер, концептуальный анализ, грамматическая категория рода, фразеологические и паремиологические единицы.

Keywords and expressions: gender, gender markers, conceptual analysis, grammatical category of gender, phraseological and paremiological units.

Тилда гендер тадқиқотлари тамап тошини Э.Сепир, В.фон Гумбольдт, О.Есперсен каби машҳур хорижий олимлар қўйган, десак муболаға бўлмади. Зеро, феминистик танқиднинг назарий асослари ҳам В.фон Гумбольдтнинг “тилнинг халқ руҳияти, инсон онги ва тафаккурига таъсир этадиган ўзига хос бир олам”, деган фикрлари [1.450], Сепир-Уорфнинг “лисоний нисбийлик” гипотезаси, яъни “тил - нафақат жамиятнинг маҳсули, балки унинг онги ва тафаккурини шакллантирувчи восита” [4.20-203] эканлиги ҳақидаги концепцияга таянади.

Тилшунослик соҳасида, маълумки, феминистик назарияга кўра, жамиятда патриархат ҳукмронлик қилар экан, патриархал қадриятлар жамиятга матн ва дискурс орқали кириб келади. Инглиз тилида грамматик маскулин роднинг умумийлашуви, асосан касб номларини ифодаловчи феминин роддаги отларнинг маскулин род отларидан ясалиши, тилда қўлланилиши ва мавжудлигига кўра бир неча баравар кам эканлигини ҳисобга олиб, инглиз тилида гендер номутаносиблик ёрқин ифодаланади, дейишимиз мумкин.

Тилда гендер аспекти тадқиқ этишда типологик ёндашувнинг зарурияти замонавий тилшуносликда методологик ўзгаришлар, илм-фан

асосий парадигмасининг алмашинуви, яъни анъанавий тилшуносликдан тилни инсон, унинг онги ва тажрибавий иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганадиган когнитив, лингвомаданиятшунослик ва антропологик тилшуносликка ўтиш билан боғлиқ ҳолда юзага келди.

Тилнинг паремиологик қатлами ҳар бир жамият аъзоси онгини шакллантиришда, жамиятнинг миллий-маданий қадриятларини сақлаш ва ифодалашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тиллари материали асосида аёллик ва эркаклик муносабатларининг баъзи ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Гендер тилшунослиги фанлараро парадигмада ривожланиб, унинг тил меъёрларини ўзгартиришга қаратилган қатор ижобий натижалари тилда аёл мақомини юқори даражага кўтаришда уринишларнинг самарасидир.

Инглиз ва ўзбек тилларида гендер масаласи билан боғлиқ, жумладан “аёл” сўзи билан боғлиқ фразео-семантик майдон борасида олиб борилган тадқиқотларнинг натижаси шуни кўрсатдики, аёл бир тарафдан

М.Расулова – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, филология фанлари доктори, профессор
И. Қўчқаров – ФарДУ инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

заиф, мустақил қарор қабул қилишда эрксиз, нимжон ва қарама-қарши жинсининг доимий эътиборига муҳтож бўлган шахс сифатида таърифланса, иккинчи тарафдан у ўзига мафтун этишда уддабурон, табиатан гўзал ва эмоционал характер эгаси сифатида гавдаланади.

Таҳлил натижасига кўра, инглиз паремияларида гендер кўрсаткич фақат лексик-семантик жиҳатдан намоён бўлади, бунинг инглиз тилида род грамматик категориясининг йўқлиги сабабли аниқ бўлган род фарқларининг мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шу тариқа гендер кўрсаткичлар сифатида аёл ва эркак жинсини ифодаловчи лексемалар ёки паремиологик бирликлар семантикасида мавжуд бўлган маъноли компонентлар намоён бўлади.

“Грамматик род категориясига эга бўлмаган тилларда табиий жинс тил тизимида грамматик ифодага эга эмас, балки лексик семантика орқали ифодаланади” [3.268]. Бундан келиб чиқиб, тадқиқ этилаётган тил манбаларининг ифода ва мазмун плани гендер кўрсаткичга эга бўлиши керак эканлиги исботланди [2. 150-159].

Тадқиқотимиз учун асосий манба бўлиб А.В.Кунинининг “Англо-русский фразеологический словарь” [1984] ва “Oxford Concise Dictionary of Proverbs” [2003] ҳамда Ш.У.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати” [1992] ва “Ўзбек халқ мақоллари” [2003] луғатлари хизмат қилди. Ушбу луғатлардан яхлит танлаб олиш методига асосан ифода ва мазмун планида, таркибида гендер кўрсаткичларни қамраб олган фразеологик ва паремиологик бирликлар танлаб олинди. Таҳлил жараёнида улар қуйидаги лексик бирликлардан иборат эканлиги аниқланди: инглиз тилида: *аёллар* учун *girl, lady, daughter, aunt, maid, nurse, grandmother, sister, wife*; *эркаклар* учун *father, husband, boy, chap, man, uncle* кабилар; ўзбек тилида: *аёллар* учун: *хотин, қиз, келин, қайнона, аёл, янға, эна, овсин, кампир, амма, сингил, хола*; *эркаклар* учун *эр, йигит, ўғил, куёв, оға-уни, божа, тоға, ичкүёв, қайнона, ука* кабилар.

Мақолада инглиз ва ўзбек тиллари мисолида эркак ва аёлларнинг ижтимоий хусусиятларини, яъни уларнинг ижтимоий фаолияти, ижтимоий мақоми маъноларини англатувчи фразеологик бирликлар ва паремияларнинг концептуал қатламлари ўрганиб чиқдик.

“Ижтимоий фаолият” деганда, эркак ва аёлларнинг касбий фаолияти билан бир қаторда уларнинг жамиятда тутган ўрнини ҳамда характерини акс эттирувчи лексик бирликлар жалб қилинди.

Эркакларнинг ижтимоий фаолиятини тасвирловчи паремиологик ва фразеологик бирликларнинг таҳлил натижаси қизиқарли маълумот берди. Улар қуйидагилар:

а) эркак мард, жасур шахс сифатида: *a knight in shining armour* [рицарь, олиҳиммат инсон, олижаноб киши]; *a man's man* [мард, қўлидан ҳар иш келадиган одам];

б) раҳбар шахс сифатида: *old man* [хўжайин, шеф]; *man on horseback* [ҳукмдор]; *strong man* [якка ҳоким, ўз амрини ўтказувчи]; *lord of creation* - [яратувчи эркак];

в) ҳуқуқшунос, сиёсатчи, маданият арбоби, шифокор ва ҳ.к. сифатида: *gentleman of the long robe* [мантияли жентлмен, юрист]; *a butter and egg man* [театр сахналарини маблағ билан таъминловчи ишбилармон одам]; *advance agent* [контракт тузувчи агент, вакил]; *medicine man* [табиб].

Эркаклар масъулиятли лавозимларни эгаллаш билан бирга, жиноятчилик, ўғрилиқ, қаллоблиқ ва ҳ.к. лар билан шуғулланишга мойил бўлишган ҳамда буларнинг барчаси эркакларга хос касб-кор ҳисобланган, масалан: *a confidence man* [товламачи, фирибгар]; *a broken man* [қонундан ташқари, деб эълон қилинган ўғри]; *knight of the pad* [босқинчи].

Жамиятнинг демократлаштирилиши, феминистик ҳаракатнинг вужудга келиши тилдаги мавжуд фразеологик бирликларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади. Бунинг натижасида аёлларни эркаклар билан бир хил категорияда тасвирловчи фразеологик ҳамда паремиологик бирликлар пайдо бўла бошлади. Масалан:

a man of letters [ёзувчи, адиб] / *a woman of letters* [ёзувчи аёл, адиба];

a man Friday [вафодор хизматкор] / *a girl Friday* [ишончли ходим];

a man of the world [донишманд эркак] / *a woman of the world* [доно аёл];

Like father, like son [ўғил отасига ўхшар] / *Like mother, like daughter* [қиз онасига ўхшар].

Ўзбек тили паремияларида эркакларнинг *ижтимоий фаолияти* боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилиқ, заргарлик, овчилик, косибчилик каби касб-ҳунарларда тасвирланган. Бу фаолиятларни ифодаловчи мақолларда эркаклар “боғбон, деҳқон, чўпон, заргар, косиб, овчи, қассоб” каби от сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланганлар.

ТИЛШУНОСЛИК

Масалан: *Боғбон боғини тузар, деҳқон даласини сузар; Чўпоннинг таёғи –отлининг оёғи; Косиб тикканини мақтар; Зар бўлмаса, заргар - хароб, ер бўлмаса, деҳқон – хароб; Қассобга оқ қўй ҳам бир, қора қўй ҳам бир.*

“Ижтимоий мақом” деганда эркак ва аёлларнинг оилавий аҳволи назарда тутилади, унда турмушга чиққан ёки чиқмаган аёл, уйланган ёки уйланмаган эркак, шунингдек, қариндошлик муносабатларини акс эттирувчи фразеологик ва паремиологик бирликлар киради.

Ҳар икки тил вакиллари учун турмуш муҳим воқеа. Масалан, инглиз тилида: *Marriage makes or mars the man* [турмуш инсон ҳаётини ё яхши томонга ўзгартиради, ё ёмон томонга].

Ўзбек тилида айнан турмуш қуришнинг афзаллигини, муҳимлигини тасвирловчи мақоллар асосан “хотин” лексемаси орқали ёритилган: *Уйланган – ўғил-қизга қувонган; Хотинсизлик - меҳнат; Хотин –умр йўлдоши; Хотин – уйнинг чироғи.*

Келтирилган мисоллар турмушнинг афзаллигини тасвирласа, ҳар икки тилда бунинг аксини ҳам кузатиш мумкин, масалан: ўзб.: *Умрингдан уч кун қолса, эшак ол, бир кун қолса, хотин ол;* ингл.: *If you would be happy for a week take a wife; If you would be happy all your life plant a garden* [Бир ҳафталик бахт учун хотин ол, бир ойлик бахт учун чўчқа сўй, бир умрлик бахт учун боғ ярат] ; *First thrive and then wife* [Аввал маблағ тўпла, сўнг уйлан] ; *Honest man marry soon but wise man never* [Ақлли одам тез уйланар, нодон ҳеч қачон].

Юқоридаги мақолларни қуйидаги биргина мисол билан изоҳлаш мумкин: *Умр савдоси – қийин савдо.*

Сараланган лексик бирликлар таркибида аёлнинг эрига боғлиқлиги, унинг олдида ожизлигини тасвирловчи фразеологик ҳамда паремиологик бирликлар ҳам йўқ эмас: А

clinging vine [заиф, ёрдамга мухтож аёл]; *The cobbler's wife is the worst shod* [Этиқдўз хотинининг оёқ кийими ҳамманикидан ёмон].

Оилавий муносабатларга қайтар эканмиз, қиёсланаётган тиллар мисолида қуйидаги оппозициядаги лексемаларни таҳлил қилиш мвқсадга мувофиқ, деб топдик: *ота-она, ўғил-қиз, ака-сингил, тоға-хола, қайнона-қайнона, куёв-келин ва ҳ.к.*

Масалан, инглиз тили мисолида “ўғил” ва “қиз” лексемалари фразеологик бирликлар таркибида қуйидагича тасвирланганлигининг гувоҳи бўлдиқ: “ўғил”: *the prodigal son*[ноқобил ўғил, оқпадар]; *son of a bitch* [аблаҳ, ярамас]; “қиз”: *a daughter of the horse leech* [тўймас товламачи].

Бироқ, қиз ўғил билан қиёсланганда, қизнинг ижобий баҳоланиши ҳам кузатилди: *My son is my son till he gets him a wife, but my daughter is my daughter all the days of her life.* [Ўғил хотин олгунча, қиз эса бир умрга қиз].

Ўзбек тилида эса бу лексемалар қиёсланганда, уларнинг ҳар иккиси ижобий тасвирланади: *Ўғил уйнинг булбули, қиз – уйнинг гули. Ўғилли уй – фаришта, қизли уй – саришта.*

Тадқиқотнинг таҳлил жараёнидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ аёлнинг ижтимоий мақоми эркакларникига нисбатан ёрқин ифодаланмаган. Балки, эркаклар аёл кишини масъулиятли ишлар, илм-фан билан шуғулланишга қобилиятли бўлмаган инсон сифатида тасаввур қилиб, унинг жиддий ишлар билан шуғулланишига тўсқинлик қилгандирлар. Шу сабабли уларга нисбатан муҳим касбларни ифодаловчи тил бирликлари қўлланилмаган.

Ўзбек тилида эса аёлнинг ижтимоий мақоми асосан “*уй бекаси*”, “*она*”, “*хотин*”, “*қиз*”, “*келин*” тимсолларида намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. Гумбольдт В.фон. О различии полов и его влияния на органическую природу. // Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985.
2. Зыкова И.В. Специфика гендерной маркированности английских идиом // Гендер: язык, культура, коммуникация. – М.: МГЛУ, 2001.
3. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Т.: Фан, 2005.
4. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М., 1993.
5. Куни А.В. Англо-русский фразеологический словарь. Лит. ред. М.Д.Литвинова. – 4-е изд. – М.: Рус.яз., 1984.
6. Раҳматуллаев Ш.У. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992.
7. Мирзаев Т., Мусоқулов А. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Шарқ, 2003.
8. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. Oxford University Press, 2003.